

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

512 **Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Хоразм вилоятида туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилган қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқа-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

лар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини, инфратузилмаси ва туризм соҳасини ривожлантириш, ободончиликни ва аҳоли сув таъминотини тубдан яхшилаш бўйича комплекс дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисида» 2012 йил 25 октябрдаги Ф-3921-сон фармойиши билан тузилган Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳининг:

давлат мулкнинг 1-иловага* мувофиқ бўш турган объектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан сотиш;

Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси манзилида жойлашган, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасига тегишли бўлган собиқ «Болалар дунёси» дўкони биносини баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланган 970,42 млн сўм миқдоридagi қиймат бўйича, 275,0 млн сўм миқдоридagi дастлабки тўловни тўлаган ва қолган суммани чораклар бўйича тенг улушларда тақсимлаб 5 йилда бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда «Инфинбанк» хусусий очик акциядорлик тижорат банкига унинг Хоразм вилоятидаги филиалини ташкил этиш учун сотиш;

2-иловага* мувофиқ янги туризм объектларини 2013 — 2015 йиллар даврида Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастурига киришиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

инвесторлар жаҳон стандартларига мувофиқ бўлган, камида уч юлдузли меҳмонхона даражасида муносиб хизмат кўрсатиш сифатига эга бўлган замонавий меҳмонхоналар, шунингдек ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган давлат мулки объектлари базасида хизматлар соҳасининг бошқа объектларини барпо этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар;

собиқ «Болалар дунёси» дўконининг биносини сотишдан тушган маблағлар суммаси 275,0 млн сўмини бинонинг баланс қийматини қоплаш учун «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасига ва 695,42 млн сўмини хайрия тарзида — Хива туманида жойлашган ва Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури доирасида бузиладиган кўчмас мулк объектларини бузиш харажатларини қоплаш учун Хоразм вилояти ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамига йўналтириш йўли билан тақсимланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси «Кенгашлар уйи» биносини (Хива шаҳри, Марказ кўчаси, 1-уй манзилида) ва ФХДЁ биносини (Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, Н. Кубро номидаги боғ худуди манзилида) сотишдан тушган маблағларни Хива туманида жойлашган ва Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури доирасида бузиладиган

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

кўчмас мулк объектларини бузиш харажатларини қоплаш учун Хоразм вилояти ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги балансда сақловчилар ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан биргаликда инвестиция мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан кейин, объектга мулк эгаси ҳуқуқини бериш шarti билан инвестициялар киритиш жадвалини тасдиқлаган ҳолда инвесторлар билан ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган давлат мулки объектлари бўйича тегишли олди-сотди шартномаларини тузсинлар.

5. Хоразм вилояти ҳокимлиги:

балансда сақловчилар билан биргаликда — ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган давлат мулки объектларининг инвесторларга берилиши-қабул қилинишини;

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан биргаликда — ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган давлат мулки объектларига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда — таъмирлаш-қурилиш ишларини амалга ошириш учун инвесторларга зарур бўлган рухсатнома ва лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда — Урганч шаҳри ФХДЁсининг янги бино қурилиши тугаллангунга қадар фойдаланилмаётган давлат мулки биносида вақтинча жойлаштирилишини (ижара тўловисиз) таъминласин.

6. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси томонидан «Инфинбанк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки билан солиқ «Болалар дунёси» дўкони биносининг олди-сотди шартномаси тузилишини таъминласин.

7. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг Урганч шаҳри, Янги Урганч кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган маъмурий биносини Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасига текин бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали жорий йилнинг сентябрь ойи охиригача ушбу қарорнинг 7-бандида кўрсатилган кўчмас мулкни белгиланган тартибда топширсин, Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси балансга қабул қилсин ва ундан мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

9. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда танлаб олинган инвесторлар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

39 (591)-сон

— 27 —

512, 515-моддалар

Маҳкамасига ушбу қарорга иловаларда кўрсатилган барпо этиладиган меҳмонхоналарни замонавий энергия самарадорлиги юқори бўлган иситиш тизимлари ва энергияни тежайдиган буғқозонлари билан жиҳозлаш бўйича асосланган таклифлар киритсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 20 сентябрь,
261-сон